



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 29 » aprel

№ 171

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг таркиби ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг таркибини, асосий мақсади ва вазифаларини, ташкилий-функционал тузилмасини ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционал қуйи тизими доирасидаги аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функциялари 2-иловага мувофиқ;

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг ҳудудий қуйи тизими доирасидаги аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функциялари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар уч ой муддатда ўз фаолияти хусусиятлари ҳамда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича юкланган функциялардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг тегишли функционал ва ҳудудий қуйи тизимлари тўғрисидаги низомларни мазкур қарор талаблари асосида ишлаб чиқсин ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Рамамов ва Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Қўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “29” апрелдаги 171 -сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш
ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг (кейинги ўринларда – ФВДТ) таркибини, асосий мақсади ва вазифаларини, ташкилий-функционал тузилмасини ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. ФВДТнинг таркиби аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ваколатларга эга бўлган ёки ушбу соҳада мажбуриятлар юкланган республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари, кучлари ва воситаларидан иборат.

3. ФВДТ таркибига кирувчи республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғи, фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруқлари, кўрсатмалари ва ушбу Низом асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар (кейинги ўринларда – фавқулодда вазиятлар) – муайян ҳудудда одамлар қурбон бўлишига, одамларнинг соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий офат ёхуд бошқа офат натижасида, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши натижасида юзага келган вазиятлар;

фавкулодда вазиятларни бартараф этиш – фавкулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорларини камайтиришга, шунингдек, фавкулодда вазиятлар зоналарининг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар мажмуи;

фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш – аҳоли ва ҳудудларни фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар мажмуи, воситалар ҳамда усуллар тизими;

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш – олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавкулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса – одамларнинг ҳаётини асраб қолишга ва соғлигини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорларини камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуи;

ФВДТнинг функционал қуйи тизими – аҳолини ва ҳудудларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича белгиланган функцияларни бажарувчи вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотларни ўз ичига олган қуйи тизим;

ФВДТнинг ҳудудий қуйи тизими – тегишли ҳудудда аҳолини ва ҳудудларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича белгиланган функцияларни бажарувчи маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини ўз ичига олган қуйи тизим;

фуқаро муҳофазаси – ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар давлат тизими.

2-боб. ФВДТнинг асосий мақсади ва вазифалари

5. ФВДТнинг асосий мақсади фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ваколатларга эга бўлган ёки ушбу соҳада мажбуриятлар юкланган республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан тинчлик ва алоҳида даврда фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирлари самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

6. Қуйидагилар ФВДТнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тинчлик ва алоҳида даврда аҳолини ва ҳудудларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

республика ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган фавкулодда вазиятларни прогноз қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш юзасидан мақсадли ва илмий-техник дастурларни ҳамда тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳа бўйича илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш;

ФВДТнинг барча даражадаги бошқарув органлари ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун мўлжалланган кучлар ва воситаларнинг доимий тайёрлигини таъминлаш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, алмашиш, ахборот тайёрлаш ва бериш;

аҳолини, ФВДТ бошқарув органларининг мансабдор шахсларини, кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат экспертисаси, назорати ва текширувини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш;

хорижий давлатлар ҳудудида рўй берган фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни ва ҳалок бўлганларни эвакуация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида фуқароларнинг, шу жумладан, уларни бартараф этишда бевосита қатнашган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш;

рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан суғурта қилишнинг мақбул тизимини таъминлаш.

3-боб. ФВДТнинг ташкилий-функционал тузилмаси

7. ФВДТнинг ташкилий-функционал тузилмаси мазкур Низомга иловага мувофиқ белгиланади.

8. ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимлари ҳамда ахборот-бошқарув тузилмасидан иборат бўлиб, республика, маҳаллий ва объект даражаларига эга.

9. ФВДТнинг ҳар бир даражаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

ФВДТ бошқарув органлари;

ФВДТ тезкор-бошқарув органлари;
фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари;
фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар бериш ва хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари.

10. ФВДТнинг ҳудудий қўйи тизимлари ўз маъмурий ҳудудлари доирасида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилади ҳамда тегишли туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги бўғинлардан иборат бўлади.

ФВДТ ҳудудий қўйи тизимларининг вазифалари, уларни ташкил этиш, кучлари ва воситалари таркиби, фаолият кўрсатиш тартиби мазкур Низом, маҳаллий геофизик ва табиий-иқлим шароитларини, хавф даражаси юқори объектларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган ушбу қўйи тизимлар тўғрисидаги низомлар билан белгиланади.

Ҳудудий қўйи тизимлар тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ФВВ) билан келишган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан, шунингдек, мос равишда ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқарма (бўлим)лари билан келишган ҳолда туман (шаҳар)лар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

11. ФВДТнинг функционал қўйи тизимлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича белгиланган функцияларни бажариш, шунингдек, идоравий мансуб объектларда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун ташкил этилади ҳамда ФВДТ хизматларидан, қўйи тизимларнинг давлат назорати органлари, кучлари ва воситаларидан иборат бўлади.

ФВДТ функционал қўйи тизимларининг вазифалари, уларни ташкил этиш, кучлари ва воситалари таркиби, фаолият кўрсатиш тартиби мазкур Низом, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича функциялари, хавф даражаси юқори бўлган идоравий мансуб объектлардаги ишлаб чиқариш технологияларининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган ушбу қўйи тизимлар тўғрисидаги низомлар билан белгиланади ҳамда ФВВ билан келишган ҳолда тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан тасдиқланади, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тасдиқланувчи ихтисослашган хизматлар ва авария-қутқарув тузилмалари тўғрисидаги низомлар бундан мустасно.

12. ФВДТнинг ахборот-бошқарув тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

ФВВнинг Фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бошқариш миллий маркази;

ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг ахборот-таҳлил марказлари;

атроф табиий муҳит ва хавф даражаси юқори бўлган объектлар ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш органларининг ахборот марказлари;

турғун (стационар) бошқарув пунктлари;

фавкулудда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситаларини бошқаришнинг ҳаракатдаги пунктлари;

ФВДТнинг ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг навбатчилик-диспетчерлик хизматлари;

алоқа ва ахборот узатиш воситалари, шу жумладан, бошқариш ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тизими.

Ахборот-бошқарув тузилмаси қуйидагиларни таъминлаши лозим:

ФВДТнинг ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг ихтисослашган ҳамда лаборатория назорати ва кузатув тизимидаги бўлинмаларидан олинган сейсмологик, геологик, гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши, атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ҳамда гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар, саноат ва транспортдаги авариялар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, эпифитотиялар, радиоактив, кимёвий ва биологик (бактериологик) ҳолат тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш (таҳлил қилиш ва сақлаш);

ФВДТнинг бошқарув органлари, кундалик бошқарув органлари, кучлари ҳамда аҳолини фавкулудда вазиятлар хавфи ёки рўй берганлиги, фавкулудда вазиятларнинг юзага келиши ҳолатлари, хусусиятлари, ривожланиш кўламлари ва кечиши, юз бериши мумкин бўлган оқибатлари, фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида хабардор қилиш ва маълумот (ахборот) бериш;

ФВДТ қуйи тизимлари ва бўғинлари, бошқарув органлари, бошқарув пунктлари, фавкулудда вазиятларни бартараф этиш учун кучлар ўртасида ўзаро ахборот ва маълумот алмашинувини таъминлаш.

Фавкулудда вазиятлар тўғрисидаги ахборотларнинг мезонлари, мазмуни ва турлари, уларни ФВДТ қуйи тизимлари ва бўғинларига, шунингдек, аҳолига етказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида фавкулудда вазиятлар масалалари бўйича кундалик ҳамкорлик қилиш ва хабар бериш йўриқномаси асосида амалга оширилади.

13. ФВДТ бошқарув органлари куйидагилардан иборат:

республика даражасида – ФВВ марказий аппарати, ФВДТ таркибига кирувчи республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар марказий (бошқарув) аппаратларининг ваколатига аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш кирадиган бўлинмаларидан;

маҳаллий даражада – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар фавқулодда вазиятлар бўлимлари, ташкилотларнинг ваколатига аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш кирадиган бўлинмаларидан;

объект даражасида – объектлар маъмурияти ҳамда уларнинг ваколатига аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни бажариш кирадиган таркибий бўлинмалари (хизматлари, шубалари ёки махсус тайинланган мансабдор шахслари).

ФВДТ, унинг куйи тизимлари ва бўғинларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича уларга белгиланган вазифалар ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш тегишли ФВДТ бошқарув органларига юкланади.

14. ФВДТ тезкор-бошқарув органлари – ФВДТ функционал ва ҳудудий куйи тизимлари ҳамда уларнинг бўғинларидаги тезкор бошқарувни амалга оширувчи бўлинмалардир, улар куйидагиларни ўз ичига олади:

республика даражасида – ФВВнинг Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бошқариш миллий маркази, ФВДТ таркибига кирувчи республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар марказий (бошқарув) аппаратларининг навбатчилик-диспетчерлик хизматлари;

маҳаллий даражада – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг тезкор-бошқарув марказлари, шаҳарлар ва туманлар фавқулодда вазиятлар бўлимларининг тезкор-бошқарув гуруҳлари, ташкилотларнинг навбатчилик-диспетчерлик хизматлари;

объектлар даражасида – объектларнинг навбатчилик-диспетчерлик хизматлари;

тегишли равишда ҳар бир даражадаги ФВДТ бошқарув органларининг фавқулодда вазиятларни бартараф қилиш кучлари ҳамда воситаларини бошқариш стационар ва ҳаракатдаги пунктлари.

ФВДТ тезкор-бошқарув органлари тегишли бошқарув органининг доимий жойлашув пунктларида, фавқулодда вазиятлар рўй берганда эса – фавқулодда вазиятларни бартараф қилиш кучлари ва воситаларини бошқариш стационар ва ҳаракатдаги пунктларида ташкил этилади. Улар олдиндан тегишли хабар бериш, алоқа, ахборотни қайта ишлаш ва узатишнинг тегишли техник воситалари билан жиҳозланади ҳамда ўзларига юкланган вазифаларни бажаришга доимий тайёр ҳолатда сақланади.

Тезкор-бошқарув органлари фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида огоҳлантириш маълумотларини ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича тавсияларнинг ФВДТ бошқарув органларига тезкор тақдим этилишини таъминлайди.

15. Қуйидагилар республика даражасидаги ФВДТ бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазиятлар шароитларида иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ўта муҳим ва хавф даражаси юқори бўлган объектлар фаолияти барқарорлигини оширишга қаратилган ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини имкон қадар камайтирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида республика мақсадли ва илмий-техник дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва бажарилишини таъминлаш;

аҳолини фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимини бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан яратиш ва уни доимий тайёр ҳолатда сақлаш;

бошқариш ва ахборотни узатиш учун умумий фойдаланиладиган телекоммуникациялар, ҳудудий тармоқлардан ва телекоммуникацияларнинг идоровий тармоқларидан, радио, телевидение ва бошқа техник воситалардан марказлаштирилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;

кимёвий, ёниш, портлаш ва бошқа хавф даражаси юқори бўлган объектларда, шу жумладан, сув омборларининг гидротехника иншоотларида уларнинг техник ҳолатини автоматик кузатиш, ёнғин ва бошқа хавфлардан дарак берувчи тизимларни, шунингдек, ушбу объектларда ва уларга ёндош ҳудудларда аҳолига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимларини лойиҳалаштириш ва яратишни назорат қилиш;

фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогноз қилиш ягона тизимида тегишли вазифаларни бажариш;

ФВДТ бошқарув органлари, бошқарув пунктлари, ФВДТ кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъминлаш;

рўй берган фавқулодда вазиятлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, бўлиши мумкин бўлган оқибатлари ҳамда фавқулодда вазиятларни баргараф этишга оид қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўпланишини ва алмашилишини ҳамда етказилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни, шу жумладан, зарар кўрган аҳолининг ҳаёт шароитларини таъминлаш ишларини, эвакуация ишларини амалга оширишга оид тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

фавкулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинадиган ФВДТ функционал қуйи тизимлари кучлари ва воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ва ишларини ташкил этиш;

фавкулодда вазиятларни бартараф этиш учун республика (идоравий) молиявий ва моддий ресурслар захирасини, шунингдек, ФВДТнинг махсус суғурта жамғармасини ташкил этишга ва ундан фойдаланишга раҳбарлик қилиш;

фавкулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш;

идоравий мансуб объектларнинг раҳбарлари таркиби ва кучлари, шунингдек, ходимларини фавкулодда вазиятларда ҳаракат қилишини ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлашни мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқариш ва технологиялар хавфсизлиги, шунингдек, ходимларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг тармоқ нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашиш.

16. Қуйидагилар маҳаллий даражадаги ФВДТ бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фавкулодда вазиятлар шароитларида хавф даражаси юқори бўлган объектларнинг барқарор ишлаш имкониятини оширишга доир ташкилий ва муҳандислик-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий (вилоят) мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолини фавкулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавкулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимининг маҳаллий даражасини ташкил этиш ва доимий тайёр ҳолатда сақлаш;

бошқариш ва ахборотни узатиш учун умумий фойдаланиладиган телекоммуникациялар ҳудудий тармоқларидан ва телекоммуникацияларнинг идоравий тармоқларидан, радио, телевидение ва бошқа техник воситалардан марказлаштирилган ҳолда фойдаланилишини таъминлаш;

ФВДТнинг манфаатдор функционал қуйи тизимлари билан биргаликда кимёвий, ёниш, портлаш ва бошқа хавф даражаси юқори бўлган объектларда, шу жумладан, сув омборларининг гидротехника иншоотларида уларнинг техник ҳолатини автоматик кузатиш, ёнғин ва бошқа хавфлардан дарак берувчи тизимларни, шунингдек, ушбу объектларда ва уларга ёндош ҳудудларда аҳолини фавкулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавкулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимининг локал даражасини яратиш ва уларнинг доимий шайлигини таъминлаш;

фавкулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли табиий, техноген ва экологик жараёнларнинг ривожланиш эҳтимолини, хусусиятлари ҳамда кўламини, шунингдек, рўй бериши мумкин бўлган фавкулодда вазиятларни прогноз қилиш;

ФВДТ бошқарув органлари, бошқарув пунктлари, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ҳаракатларга кучлар ва воситаларнинг доимий тайёрлигини таъминлаш;

рўй берган фавқулодда вазиятлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари, уларни бартараф этишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, алмашиш ва улар тўғрисида ўз вақтида хабар қилиш;

ФВДТ ҳудудий куйи тизимлари кучлари ва воситаларининг, шунингдек, кўнгилли тузилмалар, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятлар чоғида қутқарув ишларини ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишига раҳбарлик қилиш ва ҳаракатларининг уйғунлигини таъминлаш, волонтерлар ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолини ушбу ишларга жалб қилишни ташкил этиш;

аҳолини эвакуация қилиш (вақтинча олиб чиқиш)ни, эвакуация қилинган аҳолини жойлаштиришни, яшаш шароитини таъминлашни ва фавқулодда вазиятлар бартараф этилгач уларнинг доимий яшаш жойларига қайтишини режалаштириш ва амалга ошириш;

хавфли зоналардаги аҳоли пунктларида ва хўжаликларда яшовчиларни хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчириш ҳамда уларнинг яшаш шароитини ҳар томонлама таъминлаш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш ва уларни қайта тиклашни таъминлаш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини молиялаштириш;

ФВДТ хизматлари ва тузилмаларини, қутқарув тузилмалари ва қутқарув хизматларини белгиланган тартибда ташкил этиш;

фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларни, уларнинг уй-жойи ва мол-мулкани мақсадли суғурта қилишни ташкил этиш ҳамда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан суғурталанган ҳимояси самарадорлигини таъминлаш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва суғурта ташкилотларининг биргаликдаги фаолияти бўйича тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини, ФВДТ бошқарув органларининг мансабдор шахсларини, кучлар ва воситаларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлашга раҳбарлик қилиш.

17. Куйидагилар объектлар даражасидаги ФВДТ бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, объектларнинг барқарор ишлаши имкониятини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

техноген авариялар ва бошқа турдаги фавкулудда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш, улар рўй берганда оқибатларини прогноз қилиш ҳамда уларни бартараф этиш тадбирларини режалаштириш мақсадида автоматик кузатиш, ёнғин ва бошқа хавфлардан дарак берувчи ва назорат тизимларини кенг жорий этиш, кунлик мониторинг ва кузатув ишларини назорат қилиш;

объектларда ва уларга ёндош ҳудудларда аҳолига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимининг локал ва объект даражаларини яратиш ишларини ташкил этиш;

ФВДТ бошқарув органларининг, объектлар кучлари ва воситаларининг фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъминлаш;

ахборот тўплашни таъминлаш ва назорат қилиш, юзага келган фавкулудда вазият, унинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари, фавкулудда вазиятни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар ва зарур ёрдам тўғрисида юқори органларга маълумот бериш;

қутқарув хизматлари, қутқарув ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларини белгиланган тартибда ташкил этиш;

фавкулудда вазиятларни бартараф этиш тадбирлари бажарилишини, объектнинг зарар кўрган ходимларини ва объект яқинида яшайдиган аҳолини эвакуация қилиш ва ҳаёт шароитларини таъминлаш;

фавкулудда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш ва уларни қайта тиклашни таъминлаш;

хавф даражаси юқори бўлган объектлар учун техник ҳужжатлар нусхаларини яратиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш;

объектларнинг хавфсизлигини паспортлаштириш ва декларациялаш, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган зоналар чегараларини белгилаш.

18. ФВДТнинг кучлари ва воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:
фуқаро муҳофазаси кўшинлари;

ФВВга тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсунувчи республика ихтисослаштирилган ва қутқарув тузилмалари;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг профессионал ихтисослаштирилган бўлинмалари ва тузилмалари, республика, маҳаллий ва объектлар даражасида ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг хизматлари, қутқарув хизматлари, қутқарув ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари.

ФВДТ кучлари ва воситалари белгиланган вазифаларни Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг кўнгиллилар отрядлари (командалари, гуруҳлари), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” йиғма гуруҳлари, “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

19. Фуқаро муҳофазаси кўшинлари ФВВга бўйсунди ҳамда ўз тезкор йўналишларига мувофиқ алоҳида даврда республиканинг муҳим муҳофаа ва саноат объектларида фавқулодда вазиятларни тугатишга доир ишларни олиб боради.

Фуқаро муҳофазаси кўшинлари йирик кўламдаги ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлар, табиий офатлар шароитида қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ва махсус приборлар, техникалар, асбоб-ускуналар ва тайёрланган мутахассисларни талаб этувчи фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг фармойишига асосан жалб этилиши мумкин.

20. ФВВга тўғридан-тўғри бўйсунувчи қутқарув тузилмалари малакали мутахассислар билан бутланган ва махсус техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар ва бошқа қутқариш воситалари билан жиҳозланган, қутқарув ишларини автоном режимда камида 72 соат ичида амалга оширишга мўлжалланган, доимий шай ҳолатдаги қутқарув тузилмаларини ўз ичига олади.

21. ФВВга тезкор бўйсунувчи республика ихтисослаштирилган ва қутқарув тузилмалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармасини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шочилинч тиббий ёрдам илмий марказини ва унинг филиалларини, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг қидирув-қутқарув ҳаво кемаларини, қидирув ва авария-қутқарув хизматлари ва тузилмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳудудий транспорт бошқармалари томонидан жалб қилинадиган автотранспорт воситалари ва ташкил этиладиган автосанитар колонналари, шунингдек, фавқулодда вазиятларни тугатишга, ФВДТ кучлари ҳаракати ва тадбирларини таъминлашга мўлжалланган ФВДТ функционал қўйи тизимларининг бошқа таркибий бўлинмаларини ўз ичига олади.

Тезкор бўйсунадиган тузилмаларнинг вазифалари, тайёрланиш муддатлари, уларни жалб этиш тартиби ушбу тузилмаларнинг ФВВ билан келишилган ҳаракат режаларида ҳамда ФВДТ тегишли функционал қўйи тизимлари билан тузилган шартномаларда белгиланади.

22. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳарбийлаштирилган ва профессионал авария-қутқарув, авария-тиклаш ва бошқа ихтисослаштирилган бўлинмалари идоравий мансуб объектларда ишлаб чиқариш-технология авариялари ва ҳалокатлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, шунингдек, эпидемиялар, эпизоотиялар ва эпифитотиялар юзага келганда махсус вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг ёнғин, кон, газ-қутқарув, қурилиш, қурилиш-монтаж, тиббиёт ва бошқа ихтисослаштирилган бўлинмалари ва ташкилотлари негизида фавқулодда вазиятларнинг тарқалишини чеклаш ҳамда уларнинг

оқибатларини тугатиш бўйича биринчи навбатдаги ишлар учун доимий тайёргарликдаги идоравий тузилмалар тузилиши мумкин.

Доимий тайёргарликдаги идоравий тузилмалар идорадан ташқари авария объектларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига амалдаги харажатлар қопланган ҳолда шартнома асосида жалб этилади.

23. Худудий қуйи тизимлар ва уларнинг бўғинларида аҳолини ва худудларни рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, йирик техноген авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этишга доир вазифаларни бажариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг қарорлари билан геофизик, табиий-иқлим ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, қурилиш, қурилиш-монтаж, автокорхоналар ва бошқа ташкилотлар негизида маҳаллий давлат органларининг умумий ва махсус вазифаларни бажаришга мўлжалланган худудий тузилмалари ташкил этилади.

24. Хавф даражаси юқори бўлган объектларда ушбу объектлар раҳбарларининг қарорлари билан мавжуд ихтисослаштирилган хизматлар ва бўлинмалар (қурилиш, кимё, тиббий ва бошқалар) негизида бевосита объектларда кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун штатдан ташқари ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилади.

25. Йирик кўламли фавқулодда вазиятлар юзага келганда, тезкор кутқарув ишларини бажариш ҳамда зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардиянинг Радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза ҳамда махсус авария-тиклаш бошқармаси, муҳандислик-сапёр ва бошқа ҳарбий бўлинмалари, ҳарбий-транспорт авиацияси ҳамда ҳарбий-тиббий хизмат муассасалари жалб этилиши мумкин.

4-боб. ФВДТнинг фаолият кўрсатиши тартиби

26. Прогноз қилинган ёки рўй берган фавқулодда вазиятнинг кўлами ва ҳолатига қараб ФВДТ муайян худудда қуйидаги режимлардан бирида фаолият юритади:

кундалик режим – муайян худудда, объектда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи мавжуд бўлмаганда;

юқори тайёргарлик режими – фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи мавжуд бўлганда;

фавқулодда вазият режими – фавқулодда вазиятлар рўй берганда ва фавқулодда вазиятлар даврида.

ФВДТ фаолиятининг юқори тайёргарлик ва фавқулодда вазият режимлари рўй берган фавқулодда вазиятнинг турига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг,

шунингдек тегишли объектлар раҳбарларининг қарорлари билан жорий этилади.

ФВДТ фаолиятининг юқори тайёргарлик ва фавқулодда вазият режимларини жорий этиш бўйича қарорда:

тегишли фаолият режимини жорий этиш учун асос бўлган ҳолат;

фавқулодда вазият рўй бериши мумкин бўлган ҳудуд чегаралари ёки фавқулодда вазият ҳудудининг чегаралари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун жалб этиладиган кучлар ва воситалар;

фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни ёки рўй берган фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича чоралар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун масъул мансабдор шахслар ёки фавқулодда вазиятни бартараф этиш тадбирларининг раҳбари белгиланади.

Фавқулодда вазият режимини жорий этишда фавқулодда вазиятлар турлари, шунингдек, аҳолининг ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳамда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун кўшимча талаб этиладиган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, фавқулодда вазиятларни бартараф этишнинг қуйидаги даражаларидан бири амалга киритилади:

а) объект даражасида бартараф этиш;

б) маҳаллий даражада бартараф этиш;

в) республика ва трансчегаравий даражада бартараф этиш.

27. Қуйидагилар ФВДТ фаолият кўрсатиш режимларида амалга ошириладиган асосий тадбирлар ҳисобланади:

а) кундалик фаолият режимида:

атроф табиий муҳитнинг ҳолати, хавф даражаси юқори бўлган объектлардаги ва уларга туташ ҳудудлардаги вазият устидан назорат қилиш ҳамда кузатиш, рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни прогноз қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича мақсадли ва илмий-техник дастурлар ҳамда тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга доир тадбирларни режалаштириш;

аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш усуллари ва ҳаракат қилишга ўргатиш;

аҳолига хабар беришнинг ва уни хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизими шайлигини таъминлаш ҳамда назорат қилиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш ҳамда уларнинг ўрнини тўлдириб бориш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат экспертизаси, назорати ва текширувини амалга ошириш;

суғуртанинг мақсадли турларини амалга ошириш;

б) юқори тайёргарлик режимида:

фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларга хабар бериш, шунингдек, аҳолини хабардор қилиш;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати, хавф даражаси юқори бўлган объектлардаги ва уларга туташ ҳудудлардаги вазият устидан мониторингни кучайтириш, фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши эҳтимолини, кўламлари ҳамда оқибатларини прогноз қилиш;

фавқулодда вазиятлар рўй бериши мумкин бўлган ҳудудларда уларнинг рўй бериши хавфини баҳолаш учун тезкор гуруҳларни ташкил этиш, таҳдид солувчи омилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тезкор тадбирларни ва, зарур бўлганда, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилишни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар шароитларида аҳолини ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, турар жой биноларининг, ҳаёт таъминоти тизимларининг, объектлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш чораларини кўриш;

ФВДТ таркибига кирадиган давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг кеча-кундуз навбатчилигини ташкил этиш;

ФВДТга таркибига кирадиган давлат органлари ва ташкилотларнинг тезкор бошқарув бўлинмалари ўртасида ахборот алмашинувини кучайтириш;

ФВДТ кучлари ва воситаларини шай ҳолатга келтириш, фаолиятни юқори тайёргарлик режимида ўтказиш, уларнинг ҳаракатлари режаларини аниқлаштириш ҳамда зарур бўлганда, уларни фавқулодда вазиятлар рўй бериши мумкинлиги тахмин қилинаётган ҳудудга йўналтириш;

в) фавқулодда вазият режимида:

фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларга хабар бериш, шунингдек, аҳолини хабардор қилиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир режаларни амалга киритиш;

аҳолининг, моддий ва маданий қимматликларнинг хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинишини ташкил этиш;

фавкулудда вазият зонасининг чегараларини белгилаш, ўраб олиш (тўсиб қўйиш), унга кириш-чиқиш режимини ва унда ҳаракатланиш режимини белгилаш;

фавкулудда вазиятларни бартараф этиш учун кучларни жалб этиш, мазкур тузилмалар томонидан фавкулудда вазиятларнинг кенгайишига йўл қўймасликка ва уларнинг бирламчи сабабларини бартараф этишга доир ишларни, қутқарув ишларини ҳамда кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга ошириш;

иктисодиёт объектларининг барқарор фаолият кўрсатишини, шунингдек, жабрланган аҳолининг ҳаёт фаолияти шароитларини таъминлаш ишларини ташкил этиш;

фавкулудда вазиятлар зоналарида атроф табиий муҳитнинг ҳолати, авария объектларидаги ва уларга туташ ҳудудлардаги вазият юзасидан мониторинг олиб бориш;

эвакуация қилинган аҳолини вақтинчалик жойлаштириш ва унинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш ҳамда аҳолининг вақтинча бандлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

фавкулудда вазиятлар зоналарида эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларини бажариш;

биринчи навбатда инфратузилма объектларини тиклаш, ижтимоий аҳамиятга молик объектларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;

жабрланган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

28. Фавкулудда вазиятларни бартараф этиш учун қуйидаги маблағлардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ва давлат захирасининг моддий ресурслари захираси – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан;

идоровий молиявий ва моддий ресурсларнинг захираси – ФВДТ функционал қуйи тизимларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий ва моддий ресурслари захираси – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан;

объектларнинг молиявий ва моддий ресурслари захираси – ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан;

халқаро ташкилотлар ва хорижий донорларнинг мурувват ёрдами.

Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг табиий офатлардан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун биринчи навбатда зарур бўлган товарлар омборлари ва захиралари тизимларидан унинг розилиги билан фойдаланиш мумкин.

29. Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш ишлари ФВВнинг харбий, ихтисослаштирилган ёнғин-қутқарув бўлинмалари, ФВДТ таркибига кирувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг тегишли тузилмалари ҳамда бўлинмаларининг кучлари ва воситалари билан амалга оширилади.

30. Фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилиш:

локал фавқулудда вазиятларда – ҳудудида фавқулудда вазият рўй берган ташкилотнинг раҳбари белгилаган масъул ходим томонидан;

маҳаллий миқёсдаги фавқулудда вазиятларда – махсус ваколатли давлат органи ҳудудий бўлинмасининг раҳбари ёки рўй берган фавқулудда вазиятнинг хусусиятига қараб, тегишли соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳудудий бўлинмаси раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг қарорига асосан;

республика миқёсидаги ва трансчегаравий фавқулудда вазиятларда – махсус ваколатли давлат органининг раҳбари ёки рўй берган фавқулудда вазиятнинг хусусиятига қараб, тегишли соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан амалга оширилади.

31. Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун ресурслар етарли бўлмаган тақдирда, улар объект маъмурияти, ФВДТ функционал ва ҳудудий қуйи тизимлари раҳбарларининг илтимосномасига биноан ФВДТнинг республика даражасидаги бошқарув органлари захираларидан ажратилиши мумкин.

32. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича дастурларни молиялаштириш, тармоқлар ва объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳар бир даражада тегишли бюджетлар, ФВДТнинг функционал ва ҳудудий қуйи тизимлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш бўйича тадбирларни маблағ билан таъминлаш фавқулудда вазиятлар зоналарида жойлашган объектларнинг маблағлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетлари ҳамда ФВДТнинг функционал ва ҳудудий қуйи тизимлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Кўрсатилган маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилади.

33. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар юзага келганда зиён ва зарарлар миқдорини камайтириш бўйича олдиндан чоралар кўриш мақсадида республика ва идоравий ҳаракат қилиш режалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва объектларнинг ҳаракат қилиш режалари, шунингдек, ФВДТнинг барча даражаларида ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиш режалари ишга солинади.

34. ФВДТ ҳаракатларини режалаштиришга ташкилий-методик раҳбарлик қилишни ФВВ амалга оширади.

5-боб. Яқунловчи қоида

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятларнинг
олдини олиш ва бундай вазиятларда ва ҳаракат қилиш
давлат тизими тўғрисидаги низомга
илова

Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг
ТАШКИЛИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИ

| | Бошқарув органлари | Тезкор-бошқарув органлари | Фавқулдда вазиятларни бартараф қилиш кучлари ва воситалари | Фавқулдда вазиятларни бартараф қилиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари |
|---------------------|--|---|---|--|
| Республика даражаси | <ul style="list-style-type: none">- Фавқулдда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ФВВ) марказий аппарати;- Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (кейинги ўринларда – ФВДТ) таркибига кирувчи республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар марказий аппаратлари (бошқарув органлари). | <ul style="list-style-type: none">- ФВВнинг Фавқулдда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бошқариш миллий маркази;- ФВДТ таркибига кирувчи республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар марказий аппаратларининг (бошқарув органларининг) навбатчилик-диспетчерлик хизматлари;- стационар ва ҳаракатдаги бошқарув пунктлари. | <ul style="list-style-type: none">- Фуқаро муҳофазаси қўшинлари;- ФВВга тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсунувчи республика ихтисослаштирилган ва кутқарув тузилмалари;- кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари;- умумий ва махсус вазифали тузилмалар. | <ul style="list-style-type: none">- Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг маблағлари ва давлат захираси моддий ресурслари захираси;- молиявий ва моддий ресурсларнинг идоравий захиралари;- халқаро ташкилотлар ва хорижий донорларнинг мурувват ёрдами;- Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг омборлар ва захиралар тизими. |
| Маҳаллий даража | <ul style="list-style-type: none">- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари;- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар фавқулдда вазиятлар бўлимлари;- ташкилотларнинг ваколатли бўлинмалари. | <ul style="list-style-type: none">- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулдда вазиятлар бошқармаларининг тезкор-бошқарув марказлари;- шаҳарлар ва туманлар фавқулдда вазиятлар бўлимларининг тезкор-бошқарув гуруҳлари;- ташкилотларнинг навбатчилик-диспетчерлик хизматлари;- стационар ва ҳаракатдаги бошқарув пунктлари. | <ul style="list-style-type: none">- кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари;- умумий ва махсус вазифали тузилмалар. | <ul style="list-style-type: none">- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий ва моддий ресурслари захиралари;- халқаро ташкилотлар ва хорижий донорларнинг мурувват ёрдами;- Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг омборлар ва захиралар тизими. |
| Объектлар даражаси | <ul style="list-style-type: none">- объектларнинг маъмурияти ва ваколатли таркибий бўлинмалари. | <ul style="list-style-type: none">- объектларнинг навбатчилик-диспетчерлик хизматлари;- стационар ва ҳаракатдаги бошқарув пунктлари. | <ul style="list-style-type: none">- кутқарув тузилмалари;- махсус вазифали тузилмалар;- фуқаро муҳофазаси тузилмалари. | <ul style="list-style-type: none">- объектларнинг молиявий ва моддий ресурслари захиралари;- тегишли юқори ташкилотнинг молиявий ва моддий ресурсларининг идоравий захиралари. |

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “29” апрелдаги 171-сон қарорига
2-илова

**Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционал қуйи тизими доирасидаги аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича
ФУНКЦИЯЛАРИ**

1-боб. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг функциялари

1. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (кейинги ўринларда – ФВДТ) фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва давлат назоратини амалга ошириш.

2. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга доир ишларни мувофиқлаштириш ва ФВДТ таркибидаги ташкилотларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

3. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогноз қилишнинг ягона тизимини бошқариш ва назоратини олиб бориш.

4. Фавқулодда вазиятларда қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш.

5. ФВДТ бошқарув органлари ва аҳолини сейсмик жараёнлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш.

6. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун жалб этиладиган кучларни фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳаракат қилишга тайёрлашни ташкил этиш.

7. ФВДТ функционал қуйи тизимининг:

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизматини;

Сейсмик хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

2-боб. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг функциялари

8. Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда қатнашиш.

9. Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш чоғида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш.

10. Фавқулудда вазиятлар зоналарида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, объектлар, ҳудудлар, моддий ва маданий қимматликларнинг қўриқланишини ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш.

11. ФВДТ функционал қуйи тизимининг Қўриқлаш хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг функциялари

12. Фавқулудда вазият зонасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш.

13. Аҳолини хабардор қилиш, ҳудуддаги зарур участкаларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш) бўйича чоралар кўриш, қаровсиз қолган мол-мулкни қўриқлашни таъминлаш.

14. Соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда фавқулудда вазиятларда ҳалок бўлган одамларнинг ҳисобини юритиш.

15. ФВДТ функционал қуйи тизимининг:

Жамоат тартибини сақлаш хизматини;

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

4-боб. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг функциялари

16. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги объектлари жойлашган минтақалардаги радиациявий, кимёвий ва бактериологик вазиятнинг назорат қилинишини таъминлаш.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг авария-қутқарув хизмати кучлари ва воситаларини, муҳандислик-сапёр бўлинмаларини, радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза ҳамда махсус авария-тиклаш бошқармаси махсус техника ва моддий ресурсларини фавқулудда вазиятлар минтақаларига етказишда ҳарбий-транспорт авиациясининг қатнашишини таъминлаш.

18. Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ФВВ) билан фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун идоравий мансуб объектларда фавқулудда вазиятлар юзага келиши хавфи тўғрисида ахборот алмашинувини амалга ошириш.

5-боб. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузуридаги Мудофаа саноати агентлигининг функцияси

19. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ФВВнинг буюртмаларига мувофиқ хорижий товар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилардан буюртмачининг маблағлари ҳисобига фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни тугатиш учун махсус техника, асбоб-ускуна ва материаллар харид қилишни амалга ошириш.

6-боб. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг функциялари

20. Фавқулодда вазиятларнинг хусусиятини ҳисобга олиб зарар кўрган аҳолига тезкор тиббий хизмат кўрсатиш усуллари ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш, зарар кўрганларга тезкор тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш.

21. Фавқулодда вазиятларда жабрланганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, фавқулодда вазият зонасига дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника тезкор етказиб берилишини таъминлаш.

22. Зарар кўрган ва транспортда ташиш мумкин бўлмаган касалларни ҳисобга олиш ва уларнинг фавқулодда вазиятлар зоналаридан эвакуация қилинишига доир ишларни мувофиқлаштириш.

23. Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши воситалар захираларини яратиш ҳамда уларни зарур даражада сақлашни таъминлаш.

24. Аҳолини фавқулодда вазиятлар шароитида дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга ўқитиш ва тайёрлашнинг методик асосларини ишлаб чиқиш.

25. Хорижий давлатлар ҳудудида рўй берган ёки трансчегаравий фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эвакуация қилиш тадбирларининг тиббий таъминотини амалга ошириш.

26. Ташиш мумкин бўлмаган жабрланганларга чет элда тиббий ёрдам бериш тадбирларини амалга оширишда хорижий давлатнинг тегишли тиббиёт муассасаларига кўмаклашиш.

27. Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятларда ҳалок бўлганлар ва жабрланганларнинг рўйхатини юритиш.

28. Хорижий давлатлар ҳудудида ёки трансчегаравий фавқулодда вазиятларда жабрланганларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, уларнинг тиббий реабилитациясини таъминлаш.

29. Республика ҳудудида фавқулодда вазиятларда жароҳатланган ва ҳалок бўлган чет эл фуқаролари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар бериш.

30. Объектларнинг сандружина (постлари) сони, таркиби ва моддий-техник воситалар билан таъминланиш меъёрларини Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш.

31. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан биргаликда санитария дружиналари ва постларини дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга тайёрлаш.

32. Республика ҳудудидаги санитария-эпидемияга оид аҳволни кузатиш, назорат қилиш ва прогноз қилишни таъминлаш.

33. Санитария-эпидемиология соҳасида юзага келиш эҳтимоли бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, республика ҳудудидаги юқумли касалликлар табиий ўчоқлари устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирлар мажмуини амалга ошириш.

34. Эпидемиялар ва пандемиялар шароитларида карантин тадбирларини ташкил этиш, тиббий, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш.

35. Фавқулодда вазият зоналарида санитария-гигиена, радиацион гигиена, физик омиллар, бактериология, вирусология, паразитология ва ўта хавфли юқумли касалликлар ташхиси бўйича лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш.

36. Фавқулодда вазиятлар зонасидаги атроф-муҳитнинг радиоактив, кимёвий, захарловчи моддалар ва бактериал (биологик) воситалар билан ифлосланишини назорат қилиш.

37. Инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни бошқариш, тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

38. Тиббий профилактика бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

39. ФВДТ бошқарув органлари ва аҳолини фавқулодда вазиятлар минтақаларидаги санитария-эпидемиологик аҳвол тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

40. ФВДТ функционал қуйи тизимининг:

Тиббий ёрдам хизматини;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

7-боб. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг функциялари

41. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида моддий ресурслар захирасини яратиш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш.

42. ФВВ билан биргаликда захира жамғармасидан фавкулодда вазиятларни бартараф этиш учун ажратилган маблағларнинг ҳисоби юритилишини ташкил этиш ҳамда улардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

43. Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари асосида хорижий давлатлар ҳудудида рўй берган фавкулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ва ҳалок бўлганларни эвакуация қилиш тадбирларини, мутахассисларнинг хорижий давлатга воқеа жойига етиб боришини ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишини молиялаштириш.

44. ФВВ билан биргаликда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган аҳоли ва ҳудудларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси объектларини куриш юзасидан ўрта ва узоқ муддатли стратегиялар ва дастурларни кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун таклифлар тайёрлаш.

8-боб. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг функциялари

45. Аҳоли ва атроф табиий муҳит учун радиациявий, кимёвий, бактериологик (биологик), ёнғин хавфини туғдирадиган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши ва унинг ҳудудидан олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш.

46. ФВДТ функционал қуйи тизимининг Ёнғин чиқиши, портловчи-радиациявий хавфли юклар (товарлар), заҳарли ва кимёвий моддалар, шунингдек, кучли таъсир кўрсатадиган заҳарли моддалар олиб кирилиши ва олиб чиқилиши устидан кузатиш ҳамда назорат қилиш хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

9-боб. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг функциялари

47. Фавкулодда вазият рўй берган жойлар ҳамда фавкулодда вазият таъсирига тушувчи ҳудудлар рельефининг компьютер модулларини ишлаб чиқиш.

48. ФВВни ҳамда фавкулодда вазиятни бартараф этишга раҳбарлик қилувчи шахсни фавкулодда вазият рўй берган ҳудуд тўғрисидаги геодезик ва картографик ахборот, шунингдек, ер-кадастр хариталари билан таъминлаш.

10-боб. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг функциялари

49. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан шартнома асосида чет давлатларга ишга юборилаётган фуқаролар билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича ФВВ билан ҳамкорликда ўқув машғулотлари ўтказиш.

50. Фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш чоғида ҳаёт фаолиятини тиклашга доир ишларни бажаришга банд бўлмаган аҳолини жалб этиш.

51. Фавқулодда вазиятларда эвакуация қилинган аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида уларни вақтинчалик иш билан таъминлаш.

52. Маҳалла фуқаролар йиғинлари даражасида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кўмаклашиш.

53. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш.

54. “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” йиғма гуруҳларини тузиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

55. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб этиш.

56. Аҳолининг фавқулодда вазият зонасидан хавфсиз жойларга эвакуациясини ташкил этишда иштирок этиш.

57. Эвакуация қилинган аҳолини ҳисобга олишда ва вақтинчалик жойлаштиришда иштирок этиш.

58. Тизим объектларида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш.

59. Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга доир тадбирларни амалга ошириш.

11-боб. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг функциялари

60. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларини хорижий давлатда рўй берган фавқулодда вазият ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, ушбу ҳудуддаги вазиятнинг ривожини тўғрисида хабардор қилиш.

61. Хорижий давлатлар худудида ва трансчегаравий худудларда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи бўлганда ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда, шу жумладан, эпидемиялар ва пандемияларда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан биргаликда хорижий (чегарадош) давлат худудида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш.

62. Фавқулодда вазият рўй берган хорижий давлатларнинг масъул давлат органлари билан биргаликда жабрланганларга тиббий ва бошқа ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш.

63. Хорижий давлатлар худудида ва трансчегаравий худудларда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи бўлганда ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан биргаликда чегарадош давлат худудида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсиз жойларга эвакуация қилинишини ташкил этиш ёки уларни Ўзбекистон Республикасига қайтариш, шунингдек, ҳалок бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жасадларини Ўзбекистон Республикасига жўнатиш чораларини кўриш.

64. Ўзбекистон Республикаси худудида фавқулодда вазиятларда жароҳатланган ёки ҳалок бўлган чет эл фуқаролари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг тегишли дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларига юбориш.

65. Консуллик устави, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа вазифалар ва функцияларни амалга ошириш.

12-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг функциялари

66. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлашда иштирок этиш.

67. Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқувчиларни “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” мавзулари бўйича ўқитишни ташкил этиш.

68. Таълим ташкилотларида таълим ва тарбия жараёнларида ҳаёт хавфсизлиги асосларини ўргатишни ташкил этиш чораларини кўриш.

69. Ўқув ва илмий-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш.

13-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигининг функциялари

70. ФВДТ таркибига кирувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг асосланган таклифларига мувофиқ танловлар асосида ФВДТ фаолиятидаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантириш.

71. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан самарали муҳофаза қилиш учун илмий ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ФВДТнинг инновацион фаоллигини оширишга кўмаклашиш.

14-боб. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълим агентлигининг функциялари

72. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия жараёнида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишни ташкил этиш чораларини кўриш.

73. Тизим ташкилотларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

15-боб. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг функциялари

74. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотнинг тезкорлик билан олиниши, қайта ишланиши ва тақдим этилишини таъминлаш.

75. Фавқулодда вазият зонасидаги аҳолини ва эвакуация қилинган аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш.

76. Тармоқ таркибига кирувчи объектларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш.

77. ФВВни, ФВДТнинг манфаатдор функционал ва ҳудудий қуйи тизимлари ҳамда аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги, идоравий мансуб объектлардаги авариялар ҳамда ҳалокатлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

78. Фавқулодда вазиятлар зонасидаги қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ҳимоя қилиш, ўсимликлар орасида юқумли касалликлар (эпифитотиялар) тарқалишининг олдини олиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш.

**16-боб. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
қўмитасининг функциялари**

79. Эпизоотик вазиятни прогноз қилиш, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ва ушбу касалликларни қўзғатувчилар тарқалишини чеклаш бўйича тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

80. Фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳайвонлар орасида юқумли касалликлар (эпизоотиялар) оммавий равишда тарқалишининг олдини олишга доир тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, эпизоотияларни бартараф этиш чораларини кўриш.

81. ФВВ, ФВДТнинг манфаатдор функционал ва ҳудудий қуйи тизимларини ҳамда аҳолини фавқулодда вазиятлар зоналаридаги эпизоотик вазият тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

82. ФВДТ функционал қуйи тизимининг Эпизоотияни бартараф этиш бўйича ветеринария хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

**17-боб. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси
агентлигининг функциялари**

83. Иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини объектлари (карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организм) ва бошқа зарарли организмларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни йўқ қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

84. Ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашиш, агрокимёвий хизмат кўрсатиш ҳамда тупроқни муҳофаза қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш.

85. Ўсимликлар касалликлари кенг тарқалиши (эпифитотиялар) билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш.

86. ФВВ, ФВДТнинг манфаатдор функционал ва ҳудудий қуйи тизимларини ҳамда аҳолини ўсимликлар карантини ва агрокимёвий вазият тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

87. ФВДТ функционал қуйи тизимининг Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий назорат хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш.

**18-боб. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлигининг функциялари**

88. Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш.

89. Сув омборлари, дарёлар ва каналларнинг гидрологик режими, тошқинлар, ҳалокатли сув босишлар, гидротехника иншоотлари ҳолатига табиий ва техноген таъсирлар мониторингини ташкил этиш ва олиб бориш.

90. Сув омборлари, дарёлар ва каналлардаги гидротехника иншоотларидан фойдаланиш хавфсизлигини, уларда авариялар ва ҳалокатларнинг юзага келиши хавфи эҳтимолини прогноз қилиш.

91. Сув хўжалиги объектларининг иш режимини ўзгартириш ёки кейинчалик улардан фойдаланиш заруратини белгилаш, сув омборларидан сувни авариянинг олдини олиш мақсадида чиқариб юбориш.

92. ФВДТнинг манфаатдор функционал ва ҳудудий қўйи тизимлари билан биргаликда сув босиши, тошқинлар, селларнинг олдини олиш ва уларнинг ҳалокатли оқибатларини камайтириш ҳамда тошқин сувлари ва селларнинг авариясиз ўтказилишини таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар комплексини ташкил этиш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

93. Хавф-хатар даражаси юқори сув хўжалиги объектларида сигнализация ва хабар беришнинг маҳаллий автоматик тизимларини яратиш.

94. Аҳолини ҳамда тегишли ташкилотларни сув омборларида ва бошқа гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида хабардор қилиш.

95. Фавқулодда вазиятлар зоналаридаги гидротехника иншоотларини, ирригация ва мелиорация тизимларини тиклашни, тошқин сувларининг хавфсиз ўтказиб юборилишини таъминлаш.

96. ФВДТ функционал қўйи тизимининг:

Сув хўжалиги хизматини;

I, II ва III синфга мансуб хавф даражаси юқори бўлган, шунингдек, республика ва минтақа сув хўжалиги ҳамда энергетика тизимида кирувчи гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

**19-боб. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат
инспекциясининг функциялари**

97. Сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг (кейинги ўринларда – хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда кўрикланишини назорат қилиш.

98. Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш.

99. Хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш.

100. Фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш.

20-боб. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг функциялари

101. Автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитендан хавфсиз фойдаланиш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

102. Йўл ва йўл иншоотларининг техник ҳолати билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни ФВДТ кучлари ва воситаларини фавқулодда вазиятлар минтақаларига ташиш учун тайёрлаш.

103. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва эвакуация тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган қутқарув тузилмаларининг, кучлар ва воситаларнинг, ҳарбий бўлинмаларнинг, махсус техника ресурсларининг ҳамда моддий ресурсларнинг биринчи навбатда ташилишини таъминлаш.

104. Ёнғин ва авария-тиклаш поездлари, ихтисослашган ва қутқарув тузилмалари шахсий таркибининг темир йўл транспортида фавқулодда вазиятларни тугатишда қатнашишини таъминлаш.

105. Қидирув-қутқарув ҳаво кемалари ва экипажлари ҳамда қидирув ва авария-қутқарув тузилмаларининг қутқарув ишларини олиб боришда иштирокини таъминлаш.

106. Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиациясида қидирув ва авария-қутқарув ишларини олиб боровчи хизматлар устидан назорат олиб бориш.

107. Фавқулодда вазиятлардаги эвакуация тадбирлари даврида ташишларни амалга ошириш учун эвакуация поездлари, автотранспорт воситалари ажратилишини ташкил этиш, бузилган автомобиль йўлларини, шунингдек, транспорт инфратузилмаси объектларини тиклаш.

108. Портловчи, ёнғин хавфи бўлган юклар ва кучли таъсир кўрсатадиган заҳарли моддаларни ташишда хавфсизликни таъминлаш.

109. ФВДТ бошқарув органларини, йўловчилар ҳамда аҳолини автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари ва метрополитенда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи мавжудлиги ёки юзага келганлиги тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, уларнинг кутилаётган оқибатлари, кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш.

110. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назоратини амалга ошириш.

111. ФВВга зарур ахборотларни тақдим этиш.

112. ФВДТ функционал қуйи тизимининг:

Автотранспорт хизматини;

Автойўл хизматини;

Қидирув ва парвозларни авария-қутқарув жиҳатдан таъминлаш хизматини;

Темир йўл ва темир йўл транспортида ёнғин, портлаш хавфи бўлган юклар, кимёвий моддалар ва кучли таъсир кўрсатадиган заҳарли моддалар ташилишини назорат қилиш хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

21-боб. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамиятининг функциялари

113. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган жойларда ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солишни таъминлаш.

114. Шаҳарсозлик, лойиҳалаш ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштиришда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини ташкил этиш.

115. Шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертиза қилишни, шунингдек, хавф даражаси юқори бўлган объектлар, техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлаш.

116. Шаҳарсозлик воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш чораларини кўриш.

117. Фавқулодда вазиятлар натижасида объектларга ҳамда фуқароларнинг турар жойларига етказилган зарарни ҳамда қутқарув ишларини ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ресурсларга эҳтиёжларни ҳисоб-китоб қилишда иштирок этиш.

118. Фавқулодда вазиятлар оқибатида бинолар ва иншоотларга етказилган зарарни баҳолаш, шунингдек, уларнинг мустаҳкамлик ҳолатини текшириш тадбирларини амалга ошириш.

119. Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятининг барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш.

120. Фавқулодда вазиятларда шикастланган ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларини тиклаш, шунингдек, уларнинг фавқулодда вазиятлар шароитларида барқарор ишлашини таъминлаш.

121. Фавқулодда вазиятлар оқибатида шикастланган уй-жой коммунал хўжалиги объектларини тиклаш ва уларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш, жабрланган аҳолини белгиланган меъёрлар миқдорида ичимлик суви билан таъминлаш.

122. ФВДТ функционал қуйи тизимининг:

Шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳандисликка доир муҳофаза қилиш хизматини;

Ичимлик суви таъминоти хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

22-боб. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг функциялари

123. Республика аҳолисини, ишлаб чиқаришга оид ҳамда ижтимоий объектларни кундалик режимда ва фавқулодда вазиятлар шароитларида ёқилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш.

124. Атом энергетикасини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тегишли бўлган атом энергетик реакторлари, ядро-физик қурилмалар, ядровий материаллар ва радиациявий манбаларни ҳамда радиофаол чиқиндиларни сақлаш пунктларининг хавфсизлигини таъминлаш.

125. Атом энергиясидан фойдаланиш объектларини эксплуатация қилишда хавфсизликни таъминлаш, уларда радиациявий аварияларнинг олдини олиш, ихтисослашган кучларнинг ҳаракат қилишга шайлигини таъминлаш, шунингдек, таъсир кўрсатиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш.

126. Тармоқ объектларида ишлаб чиқариш ва технологик жараённинг юқори даражада хавfli ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган авариялар ва ҳалокатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш.

127. Тармоқ объектларида авариялар келиб чиқиши эҳтимолини ва оқибатларини прогноз қилиш, тармоқнинг бирлашмалари ва объектларида уларнинг фавқулодда вазиятлар шароитида ишларнинг барқарорлигини ошириш.

128. Идоравий мансуб йирик гидротехник иншоотлардан чиқариб юборилаётган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ФВДТ бошқарув ва тезкор-бошқарув органларига ҳамда мутасадди хизматларга тақдим этиб бориш.

129. Хавф даражаси юқори бўлган объектлар, шу жумладан, ёқилғи-энергетика тармоғининг йирик гидротехник иншоотлари, нефть ва газни қайта ишлаш ва бошқа хавфли объектларда ҳамда уларга ёндош ҳудудларда аҳолини фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар бериш ва хабардор қилишнинг локал даражадаги автоматлаштирилган тизимларини яратиш.

130. Ихтисослаштирилган ва қутқарув тузилмаларини доимий тайёрлик ҳолатида сақлашни ҳамда тармоқ объектларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этишини таъминлаш.

131. ФВДТ бошқарув органлари ва аҳолини тармоқ объектларида авариялар ва ҳалокатлар юзага келиши хавфи мавжудлиги ёки рўй берганлиги, кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, фавқулодда вазиятлар шароитида аҳолининг ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

132. Фавқулодда вазиятлар натижасида шикастланган энергетика тизимларини тиклаш ва уларни таъмирлашни амалга ошириш.

133. Қутқарув ва авария-тиклаш ишлари учун етарли миқдорда ёқилғи-энергетика ресурсларини ажратиш.

134. Иссиқлик ва гидравлик электр станциялари, электр ва иссиқлик тармоқлари асбоб-ускуналаридан ишончли ва хавфсиз фойдаланишга оид, шунингдек, иқтисодиёт объектлари ва республика аҳолисини электр энергияси ҳамда иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

135. ФВДТ функционал қуйи тизимининг:

Энергетика хизматини;

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлигини таъминлаш хизматини;

Ёқилғи-энергетика тармоғи объектларида ишларни олиб боришнинг ҳолати ва хавфсизлигини назорат қилиш идоравий хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

23-боб. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг функциялари

136. ФВДТнинг барча режимларида республика ва маҳаллий даражалардаги коммуникациялар ва марказлаштирилган хабар бериш тизимларининг ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

137. Аҳолини фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратишга кўмаклашиш.

138. Фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир ишларга раҳбарликни амалга оширувчи ФВДТ бошқарув органларини умумий фойдаланиладиган телекоммуникациялар ва телекоммуникацияларнинг идоравий тармоқлари билан устун даражада таъминлаш.

139. Фавқулудда вазиятлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва ФВДТ бошқарув органларига узатишни техник таъминлаш.

140. Хабар бериш, алоқа ва ахборот билан таъминлашнинг стационар воситаларига фойдаланиш-техник хизмат кўрсатишни шартномавий шартларда амалга ошириш.

141. Фавқулудда вазиятларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга ошириш чоғида коммуникацияни ва ахборот алмашишни таъминлаш.

142. Аҳолига фавқулудда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулудда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида ўз вақтида хабар бериш учун мобил алоқа операторлари орқали ахборот (маълумот) етказилишини ташкил этиш.

143. ФВДТнинг функционал қуйи тизимининг Алоқа ва хабар бериш хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш.

24-боб. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг функцияси

144. Кенг кўламли фавқулудда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки рўй берганда уларни бартараф этиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш учун ФВВ сўровига асосан ҳудудларнинг космик суратларини Агентликка давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида бепул тақдим этиш.

25-боб. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг функциялари

145. Хавфли табиий геологик жараёнлар (кўчиш, қулаш, суффозиол, карст)нинг ривожланиш минтақалари (зоналари)ни аниқлаш, уларнинг фаоллашишини ўрганиш ва огоҳлантириш, тоғ ёнбағирларининг табиий барқарорлигини сақлаш бўйича кўчкига қарши ва бошқа олдини олувчи тадбирлар биринчи навбатда ўтказиладиган зоналарни белгилаш.

146. Аҳоли пунктларида, тоғли ва тоғолди минтақаларда соғломлаштириш объектлари ва бошқа жамоат объектлари жойлашган ҳудудларда хавфли геологик жараёнлар мониторингини ташкил этиш ва олиб бориш (иктисодиёт объектлари, шу жумладан, линияли иншоотлар (йўллар, каналлар, электр узатиш линиялари, қувурлар ва шу кабилар), кон-руда корхоналари хўжалик фаолияти ҳудуди бундан мустасно).

147. ФВВни, ФВДТнинг манфаатдор функционал ва худудий куйи тизимларини хавфли геологик жараёнларнинг ривожланиши эҳтимоллари тўғрисидаги геологик ахборот билан таъминлаш, кўчки хавфи бўлган минтақалардаги худудлардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш.

148. Ер ости сувларининг радиоактив, кимёвий ва бошқа захарли моддалар билан ифлосланишини кузатиш ва назорат қилиб бориш.

149. Трансчегаравий худудларда радиоактив ва захарли элементлар билан ифлосланиш ўчоқларини аниқлаш ва ўрганишни амалга ошириш.

150. Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда хавфли зоналарда жойлашган аҳолини вақтинча эвакуация қилиш ёки босқичма-босқич хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчириш шарт бўлган хўжаликлар рўйхатини белгилаш ҳамда ФВВга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш.

151. Янгидан қурилаётган аҳоли пунктлари ва объектлар учун ер ажратишни тегишли тартибда келишиш.

152. Хавфли геологик жараёнлар бўйича маълумотлар электрон базасини шакллантириш ва уларнинг таъсиридан кўрилган зарарларни физик баҳолаш.

153. ФВДТ функционал куйи тизимининг Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

26-боб. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг функциялари

154. Кимёвий, портловчи ҳамда бошқа юқори даражада хавфли объектларнинг ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларда авариялар ва ҳалокатлар юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш.

155. Техноген авариялар ва ҳалокатларнинг олдини олиш, радиоизотоп приборларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш.

156. ФВВ, ФВДТнинг манфаатдор функционал ва худудий куйи тизимларини саноат объектларида юзага келган авариялар ва ҳалокатлар, уларнинг кўламлари, ривожланиши, етказиши мумкин бўлган зарари ҳамда фавқулодда вазиятларни тугатиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш.

157. Ҳарбийлаштирилган кон-кутқариш қисмлари бўлинмаларининг кон қазиш ишларидаги нафас олиш органларини муҳофаза қилиш воситаларини кўллашни ҳамда махсус жиҳозларни талаб этувчи газ портлашлари, отилиб чиқишлар ва тўлиб қолишлар билан боғлиқ аварияларни тугатишда қатнашишини таъминлаш.

158. ФВДТ функционал қуйи тизимининг кон-руда, кимё, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда қайта ишлаш саноатида ва “Тошметроқурилиш” объектларини қуришда ер ости ўтиш ишларини бажаришда ишларнинг ҳолати ҳамда хавфсиз олиб борилишини назорат қилиш хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш.

27-боб. Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг функциялари

159. Хавф даражаси юқори бўлган объектлар ҳамда интенсив саноат ва қишлоқ хўжалиги фаолияти объектлари жойлашган минтақаларда экологик вазият устидан давлат назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, уни яхшилаш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш.

160. Саноат чиқиндилари тўплагичлари, чиқинди омборлари, заҳарли моддалар кўмиладиган жойлар ва бошқаларнинг жойлаштирилиши ҳамда улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш.

161. Сувдан фойдаланиладиган жойларда очик сув ҳавзаларидаги сувнинг ифлосланиши, саноат, балиқчилик хўжаликлари ва бошқа тармоқларнинг чиқарадиган оқовалар, шунингдек, зарарли моддаларнинг атроф табиий муҳитга ташламалари ҳамда чиқиндиларнинг жойлаштирилиши устидан мониторинг олиб бориш.

162. Фавқулодда вазиятлар зонасида очик сув ҳавзаларидаги сувнинг ифлосланиши, саноат объектлари ҳамда бошқа объектлар томонидан зарарли моддаларнинг атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши ва чиқиндиларнинг жойлаштирилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш.

163. ФВВни, ФВДТнинг манфаатдор функционал ва ҳудудий қуйи тизимларини экологик вазият, атроф табиий муҳитга заҳарли моддаларнинг ташланиши ва чиқариб юборилиши тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

164. ФВДТ функционал қуйи тизимининг Атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳамда экологик хавфсизлиги бўйича назорат-инспекция хизматини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш.

28-боб. Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлигининг функциялари

165. Геологик ва гидрометеорологик хавфли участкаларда ўрмонзорлар барпо этилишининг олди олинишини назорат қилиш.

166. Ўрмонларни ёнғинлардан муҳофаза қилиш ва эпифитотияга қарши курашиш.

167. Ўрмон хўжалиги соҳасида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотларни ва прогноз маълумотларни ФВВга тақдим этиб бориш.

29-боб. Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг функциялари

168. Хавфли гидрометеорологик ҳодисалар прогнозини тайёрлаш ва уларни кузатиб бориш.

169. Сел ва қор кўчкиларига қарши тадбирларни ўтказиш зарурати бўлган минтақалар ва ҳудудларни аниқлаш.

170. Атроф табиий муҳит (атмосфера, тупроқ ва ер усти сувлари)нинг ифлосланиши, гидрологик режим ва дарёлар қайирлари ҳамда ўзанларидаги тошқинлар хавфи мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш.

171. ФВВга, ФВДТнинг манфаатдор функционал ва ҳудудий қуйи тизимларига гидрометеорологик ахборот тақдим этиш, уларни атроф табиий муҳит ифлосланишининг экстремал юқори даражалари тўғрисида хабардор қилиш.

172. Фавқулодда вазиятни бартараф этишга раҳбарлик қилувчи шахсни фавқулодда вазият рўй берган жойга энг яқин бўлган метеорологик кузатув пункти маълумотларига асосан мавжуд гидрометеорологик шароитлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

173. ФВДТ функционал қуйи тизимининг Табиий гидрометеорологик ҳодисалар юзага келиши ва ривожланиши, атмосфера ҳавоси, тупроқ ва юза сувлари ифлосланиши устидан гидрометеорологик кузатишлар олиб бориш хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш.

30-боб. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлигининг функциялари

174. Туризм хизматларини ташкил этишда, туристик объектларда, туристлар вақтинча жойлаштириладиган, овқатланадиган ва ҳаракатланадиган жойларда, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда ва туризм объектларига ташрифларни уюштиришда рўй бериши мумкин бўлган нохуш ҳолат (фавқулодда вазият)ларнинг олдини олиш тадбирларини мувофиқлаштириш ва назоратини амалга ошириш.

175. Туризм объектлари ва йўналишлари, шунингдек, соҳада рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотлар ва прогноз маълумотларни ФВВга тақдим этиб бориш.

31-боб. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг функциялари

176. Сейсмик хавф-хатарни турли кўламларда баҳолаш, ҳудудларнинг сейсмик хавфи ва сейсмик хатарига доир ҳар хил масшабли хариталарни тузиш, зилзилаларни вақт кесимида прогноз қилиш, бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлилигини таъминлаш бўйича методикаларни ишлаб чиқиш.

177. Кучли зилзила рўй берган тақдирда, зилзила кучини ва унинг ҳудудлар бўйича ўзгаришини аниқлаш, бинолар ва иншоотларнинг шикастланиш даражасини баҳолаш учун зилзила эпицентри ҳудудида макросейсмик ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказиш.

178. Кучли зилзилаларда аҳоли ва ҳудудлардаги талафотларни камайтириш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш, сейсмик хавфсизликни таъминлашда сейсмик хатарни баҳолашнинг илмий услубларини ишлаб чиқиш.

32-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг функциялари

179. Фавқулодда вазиятлар натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳамда баҳолаш ишларини ташкил этиш.

180. ФВВга зарур маълумотларни тақдим этиш.

33-боб. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг функциялари

181. ФВВ, ФВДТнинг ҳудудий қуйи тизимлари раҳбарлари буюртманомалари бўйича аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларига оид телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш.

182. Аҳолининг оммавий ахборот воситалари орқали фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилинишини ФВВ билан биргаликда ташкил этиш.

183. ФВДТнинг манфаатдор функционал ва ҳудудий қуйи тизимлари билан биргаликда аҳоли ўртасида фавқулодда вазият зонасида қолган одамларнинг биринчи навбатдаги ҳаракатлари тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

184. Инқирозли ва фавқулодда вазиятлар рўй берганда ФВВ ташаббуси билан аҳолига тезкор ва ҳолис ахборот етказиш мақсадида махсус ахборот тадбирларини ташкил этишга кўмаклашади.

185. Юқори даражадаги хавфга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ва фавқулодда вазиятларнинг ахборот мониторингини таъминлаш (табиий, техноген, антропоген офатлар, ҳалокатлар ва ҳ.к.) ва бундай воқеаларга масъул ташкилотлар томонидан тезкорлик билан муносабат билдирилиши юзасидан зарур чоралар кўради.

186. Аҳолининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида мунтазам равишда хабардор қилинишини таъминлаш.

187. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан биргаликда аҳолини дастлабки тиббий ўзаро ва ўзига ўзи ёрдам кўрсатишга ўқитиш бўйича махсус эшиттиришларни ташкил этиш.

34-боб. “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг функциялари

188. Жамият тизимидаги гидроэлектростанциялар, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика объектларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларда авариялар ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

189. Жамият тизимидаги гидротехник иншоотларда ва уларга ёндош худудларда локал даражадаги аҳолини фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш.

190. Фавқулодда вазиятлар шароитида гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш, гидроэнергетика объектларини марказлаштирилган тарзда технологик бошқаришни амалга ошириш.

191. ФВДТ бошқарув органларини гидроэлектростанциялар, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика объектларида юзага келган авариялар ва ҳалокатлар, уларнинг оқибатлари, амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш.

35-боб. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятининг функциялари

192. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ва технологик жараённинг юқори даражада хавфли хос хусусиятлари билан изоҳланадиган авариялар ҳамда ҳалокатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

193. Кимёвий хавфли объектлардаги аварияларнинг юзага келиши эҳтимоли ва оқибатларини прогноз қилишни, фавқулодда вазиятлар шароитида уларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш.

194. Кимёвий хавфли объектлар ва уларга ёндош худудлардаги аҳолини локал даражадаги фавқулодда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш.

195. Кимёвий хавфли объектлардан кимёвий зарарланиши эҳтимоли бўлган зоналарни аниқлаш.

196. ФВДТ бошқарув органлари ва аҳолини авариялар ва ҳалокатлар, уларнинг оқибатлари, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда аҳолининг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилиши тартиби тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш.

197. Идоравий ихтисослаштирилган ва кутқарув тузилмаларининг тармоқ объектларидаги фавкулодда вазиятлар шароитида кутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишда қатнашишини таъминлаш.

198. ФВДТ функционал қуйи тизимининг Тармоқ объектларида ишларни олиб боришнинг аҳволи ва хавфсизлигини назорат қилиш идоравий хизматини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш.

36-боб. “Ўзмахсусмонтажқурилиш” акциядорлик компанияси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг функциялари

199. Қурилиш ва қурилиш-монтаж ташкилотлари негизида ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этиш ҳамда уларнинг фавкулодда вазиятлар зоналарида кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажаришда қатнашишини таъминлаш.

200. Фавкулодда вазиятлар зоналарига қурилиш материаллари етказиб берилишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

37-боб. Суғурта ташкилотларининг функцияси

201. Сув тошқини, кўчкилар, сел хавфи мавжуд бўлган ва бошқа турдаги фавкулодда вазиятлар хавфи юқори бўлган ҳудудларда яшайдиган фуқароларни, ушбу ҳудудлардаги бинолар ва иншоотларни, қишлоқ хўжалиги экинлари ва ҳайвонларини ҳамда бошқа мол-мулкни суғурталашни таъминлаш.

38-боб. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг функциялари

202. ФВВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВДТнинг бошқа функционал қуйи тизимлари билан биргаликда аҳолини фавкулодда вазиятларда жабрланганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича тайёрлаш.

203. ФВДТнинг функционал ва ҳудудий қуйи тизимларида санитария дружиналарини тузиш, уларни жиҳозлаш ва юкланган вазифаларни бажаришга тайёрлаш, тайёргарлик ҳолатини назорат қилишда кўмаклашиш.

204. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида санитария постларини тузиш ва ўқитишни ташкил этиш.

205. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, биринчи навбатда, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ходимларини, курсантлар, ҳайдовчилар ва йўл-транспорт хизматлари ходимларини биринчи ёрдам кўрсатиш амалиётига шартнома асосида ўқитишни ташкил этиш.

206. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда аҳолини биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўзига ўзи ва ўзаро ёрдам бериш ҳамда зарар кўрганларга ғамхўрлик қилишга ўқитиш бўйича махсус телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш.

207. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг отрядлари ва бошқа кўнгиллилар бўлинмаларини ташкил этиш, ўқитиш, жиҳозлаш ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиш.

208. Фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг энг зарур товарлар омборлари ва захиралари тизимини ташкил этиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “29” апрелдаги I71 - сон қарорига
3-илова

**Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш
ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг ҳудудий
қуйи тизими доирасидаги аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда
вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича
ФУНКЦИЯЛАРИ**

1. Тегишли ҳудудда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга раҳбарлик қилиш.

2. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида қарорлар қабул қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (кейинги ўринларда – ФВДТ) ҳудудий қуйи тизимларини ташкил этиш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

4. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахсларни, шунингдек, тизимидаги ташкилотларнинг раҳбарлари, ишчи ва хизматчиларини тайёрлаш тадбирларини ташкил этиш ва назорат қилиш.

5. Фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда тегишли ҳудуд бўйича режани тасдиқлаш.

6. Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ахборотни тўплаш ҳамда алмашиш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазиятлар рўй берганлиги ҳақида аҳолига ўз вақтида хабар бериш ва ахборот узатиш.

7. Хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятлар мониторингини юритиш.

8. ФВДТ хизматларининг умумий ва махсус вазифалари ҳудудий тузилмаларини, йиғма механизациялашган отрядларни, йиғма кутқарув командаларини, автосанитария отрядларини ташкил этиш ва бошқаришга раҳбарлик қилиш.

9. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун кучларнинг шайлиги устидан назоратни амалга ошириш.

10. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга доир тадбирларни молиялаштириш.

11. Ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларда ишлаш барқарорлигини оширишга кўмаклашиш.

12. Аҳолини хабардор қилиш ва аҳолига ахборот узатишнинг махсус техник воситаларини ўрнатиш учун жойлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эфир вақти ажратилишини ташкил этиш ва назорат қилиш.

13. Маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятлар рўй берганда, ФВДТнинг ҳудудий қуйи тизими учун юқори тайёргарлик режимини ёки фавқулодда вазият режимини жорий этиш ҳақида, шунингдек, аҳолини хавфсиз жойларга эвакуация қилишга доир тадбирларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш.

14. Қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек, бундай ишлар ўтказилиши давомида жамоат тартиби сақланишини ташкил этишга кўмаклашиш.

15. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ҳамда аҳолини муҳофаза қилиш учун барча ҳудудий кучлар ва воситаларни жалб этиш.

16. Фавқулодда вазият зонасида қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга ошириш учун авария-қутқарув кучларининг (шу жумладан, тезкор ҳаракат бўлинмаларининг) ва махсус тузилмаларнинг доимий шайлигини ташкил этиш.

17. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларига волонтерларни жалб этиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

18. Фавқулодда вазият зоналаридаги зарар кўрган аҳоли ҳамда улар жойлаштирилган туманларда эвакуация қилинган аҳолини таъминлаш учун тегишли ҳудуднинг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан озик-овқат ва энг зарур товарлар етказиб берилишини ташкил этиш.

19. Фавқулодда вазиятлар зоналаридаги объектлар ва аҳолини электр энергияси, газ, ёқилғи ва ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

20. Аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт объектлари фаолиятини тиклаш ишларини ташкил этиш.

21. Фавқулодда вазиятлар оқибатида зарар кўрган аҳоли ҳаёт фаолиятини тиклаш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича чоралар кўриш.

22. Қуйидаги ФВДТ ҳудудий қуйи тизимлари фаолиятига раҳбарлик қилиш:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ФВДТ хизматлари ва тузилмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман (шаҳар)лар ҳамда иқтисодиёт объектларининг умумий ва махсус вазифалар юкланган ҳудудий тузилмалари.

23. Маҳаллий шароитларга, фавқулодда вазиятларнинг хусусиятига ва вилоятлар (шаҳарлар ва туманлар)нинг моддий-техник базасига қараб фуқаро муҳофазаси бошлиғи ўз ваколатлари доирасида ФВДТнинг тегишли ҳудуд ва объектлар бўйича қуйидаги хизматларини ташкил этиши ҳамда вазифаларини белгилаши мумкин:

автойўл хизмати – фавкулудда вазиятларни бартараф этишда йўл-кўприк таъминотини ташкил этиш ва амалга ошириш, йўллар ва кўприкларни таъмирлаш ва тиклаш;

автотранспорт хизмати – темир йўл ва ҳаво транспорти органлари билан биргаликда аҳолини жойлаштириш ва фавкулудда вазиятлар зоналаридан эвакуация қилиш тадбирларини амалга ошириш, фавкулудда вазиятларни бартараф этиш учун кучлар ва воситаларни етказиб бериш, ишчи сменаларини олиб келиш (олиб кетиш), моддий ва тарихий-маданий бойликлар, ноёб асбоб-ускуналар, озиқ-овқат, қурилиш материалларини ва бошқа моддий воситаларни эвакуация ҳудудига олиб чиқиб кетиш;

газ таъминоти хизмати – газ таъминоти иншоотлари ва тармоқларининг барқарор ишлашини ва улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, уларда авария-тиклаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

сув таъминоти хизмати – сув таъминоти иншоотлари ва тармоқларида авария-тиклаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, сув манбаларининг радиоактив, кимёвий ва захарли моддалар ҳамда бактерияли воситалар ва оғир металлар билан ифлосланиш (зарарланиш)дан муҳофаза қилинишини таъминлаш. Ичимлик суви сифати ва оқова сувларни тозалаш устидан назоратни таъминлаш;

ветеринария назорати ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш хизмати – ҳайвонларда юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши (эпизоотиялар)нинг олдини олиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, фавкулудда вазиятлар зоналарида санитария-ветеринария ва эпизоотияларга қарши тадбирларни амалга ошириш. Эпизоотияларни тугатиш. Раҳбариятга фавкулудда вазиятлар зонасидаги санитария-ветеринария ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш;

ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё назорати хизмати – эпифитотияларнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш. Ўсимликларни химоя қилиш тадбирларини амалга ошириш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ишлашини таъминлаш. Фитопатологик қидирув ишларини, қишлоқ хўжалиги ерларининг радиоактив ва захарли моддалар билан ифлосланиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш. Экинзорлар, яйловлар ҳамда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини зарарсизлантириш. Эпифитотияларни тугатиш;

сув хўжалиги хизмати – сув омборлари, дарёлар ва каналлардаги гидротехника иншоотларининг барқарор ишлашини ва улардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш, уларда авариялар ва ҳалокатлар юз бериши мумкинлигини прогноз қилиш. Сув хўжалиги объектларининг иш режимини ёки улардан бундан кейин фойдаланиш режимини ўзгартириш зарурлигини белгилаш, сув омборларидан сувни авария юзасидан чиқариб ташлаш. Хавф даражаси юқори бўлган сув омборлари ва уларга ёндош ҳудудларда локал даражадаги аҳолини фавкулудда вазият рўй бериши хавфи тўғрисида

ёки фавкулудда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар бериш ва хабардор қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш. Тошқинлар, сув босишлари, сел оқимларидан ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳалокатли оқибатларини камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган комплекс чоратадбирларни ташкил этиш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини авариясиз ўтказиб юборишни таъминлаш;

муҳандислик хизмати – тинчлик даврида ҳимоя иншоотлари фонди тўпланиши ва мавжуд бўлиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, бошланғич ҳудудларда зарарланган жойлар томонга ҳаракат қилинганда, ҳалокатли сув босиши зоналарида ва ишлар олиб бориладиган объектларда, йирик ёнғинларни ўчиришда, табиий офатлар, йирик авариялар ва ҳалокатлар оқибатларини тугатишда ФВДТнинг кучлари ҳаракатларини муҳандислик жиҳатдан таъминлаш учун фавкулудда вазиятларни бартараф этиш ишларига жалб этиладиган тегишли тузилмаларни тайёрлаш ва уларнинг ҳаракат қилишини ташкил этиш;

коммунал-техника хизматлари – коммунал хўжалиги иншоотлари ва тармоқлари ишларининг барқарорлигини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш, улардаги аварияларни бартараф этиш, ҳалок бўлганларга махсус ишлов бериш, ташиш ва оммавий кўмиш шохобчаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш;

моддий-техника таъминоти хизмати – эвакуация қилинадиган аҳолини энг зарур буюмлар ва анжомлар (кийим-бош, пойабзал ва шу кабилар) билан таъминлашни ташкил этиш, тузилмаларнинг шахсий таркибини анжомлар ва махсус кийим-бош, шунингдек, иқтисодиёт объектларини уларнинг барқарор фаолият кўрсатиши ва бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур бўлган моддий-техника воситалари ва қурилиш материаллари билан таъминлаш;

тиббий хизмат – аҳоли ва тегишли тузилмаларнинг шахсий таркиби соғлиғини сақлашга, жабрланганлар ва беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам беришга йўналтирилган даволаш-эвакуация, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

санитария ишловини бериш ва зарарсизлантириш хизмати – зарарланиш жойларидан чиққан одамларга санитария жиҳатидан ишлов бериш, уларнинг кийим-бошлари ва якка тартибдаги ҳимояланиш воситаларини зарарсизлантиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;

алоқа, хабар бериш ва ахборотлаштириш хизмати – бошқарув органларини барқарор ва узлуксиз алоқа билан таъминлаш, алоқа ва хабар беришнинг турғун воситаларига фойдаланиш-техник жиҳатдан хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, шунингдек, уларни доимий тайёр ҳолатда сақлаш, ҳудудий фавкулудда вазиятлар бошқармаларининг кўрсатмаларига биноан хабар бериш сигналларини узатиш ва қабул қилишни техник жиҳатдан таъминлаш;

жамоат тартибини сақлаш хизмати – фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш;

кўриқлаш хизмати – фавқулодда вазиятлар зоналарида объектлар, худудлар, моддий ва маданий қимматликларни, шунингдек, аҳоли эвакуация қилинган жойларни кўриқлаш;

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизмати – ёнғинлар профилактикасини ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, ёнғинларни ўчириш, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани қутқариш;

ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти хизмати – фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиладиган автотранспорт воситалари ва бошқа техник воситаларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни ташкил этиш, ушбу мақсадлар учун турғун ва кўчма автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларидан фойдаланиш;

техник хизматлар – техникани техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун жалб этиладиган автотранспорт воситаларини техник таъмирлаш, шикастланган ва носоз техникани қутқариш ишлари йўналишлари ва участкаларидан шикастланган машиналарни йиғма пунктларга ва таъмирлаш корхоналарига эвакуация қилиш, таъмирлаш корхоналари ва тузилмаларини эҳтиёт қисмлар ва анжомлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг захирасини шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш хизмати – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат захираси ғамланишини ва муҳофаза қилинишини ташкил этиш, фавқулодда вазият зонасидаги аҳолини ҳамда жалб этилган тузилмаларни озиқ-овқат, иссиқ овқат билан таъминлаш;

бошпаналар ва бекиниш жойлари хизмати – ташкилотларнинг муҳофаза иншоотлари фондини ҳисобга олиш, муҳофаза иншоотларининг бекинадиган одамларни қабул қилишга доимий тайёрлигини назорат қилиш, муҳофаза иншоотлари иморатларининг тўғри сақланиши, муҳофаза конструкциялари, қурилмалари ва муҳандислик-техник асбоб-ускуналари сақланиши, улардан иқтисодиёт эҳтиёжлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш учун фойдаланилишини тизимли назорат қилиш. Қурилиши тугалланган муҳофаза иншоотларини қабул қилишда қатнашиш. Муҳофаза иншоотлари фондини жамлаш режаларини ишлаб чиқиш ва уларга тузатиш киритиш, бошпана ва бекиниш жойларига хизмат кўрсатиш бўлинмаларини ташкил этиш ва тайёрлаш;

энергетика хизмати – фавқулодда вазиятлар шароитларида энергия объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш ва улардаги аварияларни бартараф этиш. Фавқулодда вазият зоналарида қутқарув ишларини олиб боришда иштирок этиш.

24. Фавқулодда вазиятларда нобуд бўлган уй ҳайвонлари жасадларини йиғиб олиш ва утилизация қилиш хизмати (туманлар ободонлаштириш бошқармалари ҳамда “Тоза ҳудуд” ДУКлари негизида) ташкил этилади.

25. Заруратга кўра ва тегишли кучлар мавжуд бўлганда ФВДТнинг бошқа хизматлари, шу жумладан, авария-техник, радиациявий ва кимёвий ҳимоя, ниқобланиш, ахборот билан таъминлаш хизматлари ҳам ташкил этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “29” апрелдаги 171 - сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 9 августдаги 606-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2017 йил 13 ноябрдаги 907-сон қарорига 1-илованинг 10-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида” 2018 йил 3 декабрдаги 981-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 10 декабрдаги 1002-сон қарорига илованинг 3-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 12 мартдаги 215-сон қарорига 2-илованинг 6-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 26 августдаги 515-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 10 апрелдаги 200-сон қарорига 3-илованинг 6-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи айрим қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 17 августдаги 525-сон қарорига 5-илованинг 7-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими тубдан такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 15 декабрдаги 752-сон қарорига 1-илованинг 30-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 21 декабрдаги 766-сон қарорига 1-илованинг 14-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 893-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2022 йил 9 августдаги 438-сон қарорига 1-илованинг 57-банди.

